

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН Фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг субъектив белгилари

У.Халимов¹

Аннотация: Йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган ҳар қандай шахслар йўл ҳаракати иштирокчилари бўлишлари мумкин бўлса-да, ЖК 266-моддаси диспозициясининг мазмунига кўра транспорт воситасини бошқараётган шахс мазкур йўл-транспорт жиноятининг субъекти бўлиши мумкин.

Ключевые слова: Транспорт воситасини бошқарувчи шахс айнан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахсдир.

Йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган ҳар қандай шахслар йўл ҳаракати иштирокчилари бўлишлари мумкин бўлса-да, ЖК 266-моддаси диспозициясининг мазмунига кўра транспорт воситасини бошқараётган шахс мазкур йўл-транспорт жиноятининг субъекти бўлиши мумкин. Транспорт воситасини бошқарувчи шахс айнан йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахсдир².

Оғир оқибатларга сабаб бўлган йўл-транспорт жиноятлари умумий сонининг кўпайиши сўнгги йилларда асосан мазкур кўрсаткичларнинг айнан транспорт воситалари ҳайдовчилари айбига кўра ўсиши билан белгиланади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилган йўл ҳаракати хавфсизлигига доир тадқиқотлар “йўл – ҳайдовчи – автомобиль” тизимида энг заиф бўғин айнан ҳайдовчи эканлигини кўрсатади³.

ЖК 266-моддасида жавобгарлик белгиланган жиноят субъекти белгиларининг таҳлили бу транспорт воситасини бошқараётган, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига (одам, одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга) сабаб бўлган шахсдир, деган хулосага келиш имконини беради.

Транспорт воситасини бошқараётган ва ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда мазкур жиноят субъектининг ёши каттароқ бўлиши мумкин, чунки айрим турдаги транспорт воситаларини (*масалан*, трамвай, автобусни) бошқаришга каттароқ ёшдаги шахслар қўйилади. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари ЖКнинг 266-моддаси бўйича квалификация қилиниши учун у ўзининг транспорт воситасини ёки давлат, маҳаллий давлат ҳокимияти,

¹ Самарқанд вилояти ИИБ бўлим бошлиғи

E-mail: u.xalimov@mail.ru

² Аллаяров Н.Ў. Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда маъмурий амалиёт: Ўқув қўлланма. / Н.Ў.Аллаяров, М.П.Аппаков. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 44.

³ Ерхан В.Д., Ощепков П.П. Проблемы человеческого фактора водителей автотранспортных средств и его влияние на безопасность дорожного движения (психологический аспект) // Проблема обеспечения безопасности на объектах транспорта и пути ее улучшения. – М.: Издательская группа «Юрист», 1998. – С. 303.



жамоат ташкилоти ёки бошқа ташкилотга қарашли бўлган транспорт воситасини бошқаргани, йўл транспорт ходисасини иш вақтида ёки ишдан бўш вақтда содир этгани, транспорт воситасини қонуний ёки ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ёки ҳайдаб қочиш натижасида бошқаргани, унда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома бор-йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва улардан фойдаланишга жавобгар бўлган мансабдор ва бошқа шахсларга мастлик ҳолатида ёки сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракатли хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида, шунингдек, тегишли тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган, белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтмаган, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси мавжуд бўлмаган шахсларни транспорт воситасини бошқаришга қўйган” (қоидаларнинг 180-банди) шахслар ҳам жавобгарликдан озод қилиниши мумкин эмас. Тўғри, айтиш ҳолда транспорт воситасини бошқаришга қўйиш қоидаларини бузган шахснинг ўзи ЖК 266-моддасининг диспозициясида кўрсатилган “транспорт воситасини бошқарувчи шахс” ҳисобланмайди. Бироқ, биз кўриб чиқаётган вазиятда мазкур шахс йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишни транспорт воситасини бошқариш пайтида содир этган бўлса, унинг транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйган масъул шахс ЖК 261-моддаси билан жавобгар бўлади. Агар унинг бу қоидабузарлиги маст ҳолдаги ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс йўл-транспорт ходисасини содир этса, ЖК 266-моддаси билан жавобгарликка тортилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида номи келтирилган қарорининг 20-бандига кўра “Ҳарбий хизматчи томонидан жанговор, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда, қилмиш ЖК 298-моддаси билан квалификация қилинади. Агар йўл-транспорт ходисаси ҳарбийлаштирилмаган машинани бошқарган ҳарбий хизматчининг айби билан ёки ҳарбий машинани бошқарган ҳарбий бўлмаган шахснинг айби билан содир этилса, қилмиш ЖК 266-моддаси билан квалификация қилиниши лозим⁴.

Жиноятнинг субъектив томони айбдорнинг ўзи содир этаётган, жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишга ва унинг юз берган оқибатларига нисбатан руҳий муносабатини ўзида ифодалайди. У жиноят таркибининг зарурий элементи ҳисобланади ва турли ақлий ва руҳий омилларда, уларнинг турли-туман кўринишлари ва бирикмаларида ифодаланади⁵.

Инсоннинг ўзи содир этаётган қилмишга субъектив муносабати амалда турли-туман хусусият касб этиши ва ҳар хил шакл-шамойилга эга бўлиши мумкин.

Қонунда ҳар бир жиноятнинг субъектив томони мос келиши лозим бўлган талаблар ва шартларнинг энг муҳимларигина белгиланади. Содир этилган жиноятга шахснинг руҳий муносабатини тавсифловчи қўпгина хусусиятлар мазкур зарурий белгилардан ташқарида қолади. Боз устига, *масалан*, одам ўлишига сабаб бўлган йўл-транспорт ходисаси билан боғлиқ ҳолда, пиёдани уриб юборган ҳайдовчи йўл ҳаракати қондасини пиёданнинг ўзи бузганлиги туфайли айбсиз деб топилган бўлса, бу оқланган ҳайдовчи юз берган воқеадан асло жабр кўрмайди, деган маънони аниқлатмайди.

Шахсни жиний жавобгарликка тортишда унинг қилмишга руҳий муносабати шаклини, яъни у қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганини аниқлаш талаб этилади.

Жиноятнинг субъектив томони муаммоси жиноят ҳуқуқида энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу қилмишга муносабатнинг шаклланиши шахс объектив шароитлар билан ўзаро алоқага

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарш жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарори. //Тошкент, 2015. – Б. 15.

⁵ Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2001. – С. 134–135.



киришиши жараёнида юз бериши, жиноятни содир этиш мобайнида бу шароитлар ўзгариши мумкинлиги билан изоҳланади. Қилмишга муносабатнинг шаклланиш жараёнининг ўзи айбдор рухий фаолиятининг натижасидир⁶.

Юқорида баён этилганлар ЖК 266-моддасида назарда тутилган йўл-транспорт жиноятининг субъектив томони шахснинг ўзи содир этган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишга, шу тариқа ўз ҳаракатлари билан йўл-транспорт ходисасини юзага келтиришга ва ниҳоят, мазкур модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган зарарли оқибатларга бўлган рухий муносабатининг хусусиятига кўра аниқланиши лозим, деган хулосага келиш имконини беради.

ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони айбдорнинг келиб чиққан оқибатларга нисбатан эҳтиётсиз муносабатда бўлганлиги билан тавсифланади. Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигида бу турдаги жиноятлар одатда эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб қаралади⁷, чунки ушбу қилмишнинг субъектив томонини транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда шахснинг бундан ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигига эҳтиётсиз муносабати белгилайди. “Бу жиноят эҳтиётсизлик билан содир этилган деб ҳисобланиши лозим, чунки унинг субъектив томонини йўл ҳаракати хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузишда шахснинг хавфли оқибатлар юз беришига нисбатан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиши ташкил қилади”⁸.

Юридик адабиётларда оғир оқибатларга сабаб бўлган йўл-транспорт жинояти учун айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш имконияти хусусидаги баҳс-мунозаралар қилмиш тўғри қасд билан содир этилган тақдирда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилган бошқа моддаларига мувофиқ квалификация қилиниши лозим, деган ягона тўхтамга келиш билан яқунланган. Уларда қайд этилишича, бундай вазиятларда жиноий ҳаракатлар жиноий натижага эришиш усули сифатида, транспорт воситасининг ўзи эса – жиноят қуроли сифатида амал қиладики, бунинг йўл-транспорт жиноятларига умуман алоқаси йўқ⁹.

Айни пайтда жиноят субъектив томонини аниқлаш транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг ўзига эмас, балки айбдорнинг юз берган оғир оқибатларга бўлган рухий муносабат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, чунки жавобгарлик жиноятнинг оқибатларига қараб белгиланади.

Агар иш бўйича тергов жараёнида баданга оғир шикаст етказиш ёки одам ўлдириш айбдорнинг қасди билан қамраб олингани аниқланган бўлса, қилмиш шахснинг соғлиғи ёки ҳаётига қарши қасддан содир этилган жиноят сифатида қаралиши лозим. Айбдор икки мустақил жиноят – йўл-транспорт жинояти ва инсон ҳаёти ёки соғлиғига қарши жиноятни олдинма-кетин содир этган ҳолларда эса, унинг ҳаракатлари мазкур жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Эҳтиётсизлик транспорт воситасини бошқарган шахснинг ўз-ўзига ишониши ёки бепарволигида фойдаланиши мумкин (ЖК 22-моддаси).

⁶ Парог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления. Учебное пособие. – М., 1991.; Осипов В.О. О преступлениях с двумя формами вины // Законность. 2001. №5. – С. 8.

⁷ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 5. Махсус қисм. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўтш тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2011. – Б. 110.

⁸ Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б. 464.

⁹ Алексеева И.С. Уголовно-правовая характеристика преступного нарушения правил дорожного движения // Проблемы предварительного следствия и дознания: Сборник научных трудов. – М., 1998. – С. 51.



Агар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибагида содир этилган деб топилади (ЖК 22-моддасининг иккинчи қисми).

Масалан, К. автомашинада қариндоши Ж. билан кетаётган вақтда қаршисидан автобус келади. К. четга бурилиши керак эди, у автобус етиб келгунигача бунга улгураман, деб ўйлади. Бурилаётганида машинанинг двигатели ўчиб қолди ва у автобус йўлида тўхтади, автобус ҳайдовчиси тормозни босишга улгурмади. Автобус куч билан автомобилга урилди, бунинг натижасида Ж. оғир тан жароҳати олди. Шу тарзда К. ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибагида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноятини содир этди. Унинг айби ўзига ортиқча ишонишдан иборат эди. У йўлда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш тўқнашувга олиб келиши мумкинлигини биларди, бироқ эсон-омон ўтиб оламан, деб ҳисоблади. Аммо, К.нинг мўлжалли двигателнинг бузилиши туфайли асоссиз бўлиб чиқди¹⁰.

Агар транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади (ЖК 22-м. 3-қисми).

Оқибатлар юз бериши мумкинлигига кўзи етиш транспорт воситасини бошқараётган шахснинг ҳуқуқий бурчи ҳисобланади. Бепарволикни аниқлашда айнан мазкур шахс учун ва мазкур конкрет шароитларда келиб чиқиши мумкинлигига унинг кўзи етмаган бўлса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкинлиги эҳтимолига баҳо бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этади¹¹.

Жиноят субъектив томонининг таҳлили ҳайдовчи конкрет шароитларда юз берган оқибатларнинг олдини олиши мумкин бўлганми? деган саволга жавоб бериши лозим. Масалан, ҳайдовчи транспорт воситасини соатига 40 км тезликда ҳайдаб кетаётган пилдани уриб юборган ва унинг баданига оғир шикаст етказган бўлса, уни юз берган оқибатлар учун жавобгарликка тортишга юқорида зикр этилган ҳолатларни аниқлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Агар пилда қарама-қарши йўналишда келаётган машина орқасидан икки метр нарида йўлга югуриб чиққан бўлса, ҳайдовчи автомобилни соатига 60 км тезликда ҳам, соатига 40 км тезликда ҳам тўхтата олмаган бўлар эди. Шу туфайли ҳам, мазкур шароитларда ҳайдовчи юз берган оқибатлар учун эмас, балки фақат автомобиль ҳаракати тезлигини оширгани учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Зеро оқибатларнинг юз беришида ҳайдовчи айбдор эмас, улар жабрланувчининг айби билан юз берган.

Шундай қилиб, ЖК 266-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томони юз берган оқибатларга нисбатан эҳтиётсиз муносабат билангина тавсифланади. Лўнда қилиб айтганда, мазкур шароитларда шахс лозим даражада эътиборлилик ва эҳтиёткорлик кўрсатган тақдирда зарарли оқибатлар юз беришига кўзи етган бўлар эди, деб фараз қилинади. Айни пайтда қонун чиқарувчи транспорт воситасини бошқараётган шахснинг ўзи содир этган, амалда қасддан содир этилиши ҳам мумкин бўлган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишга руҳий муносабати жиноят қонунда кўрсатилмаган.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш фақат ўз-ўзига ишониш оқибагида ёки бепарволик орқасида содир этилади. *Масалан*, ҳайдовчи пилдани кўрқитмоқчи бўлиб,

¹⁰ Қасддан қилинмаган қилмиш учун жазо. // “Норма маслаҳатчи” газетаси, 2014 йил, № 15.

¹¹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.



унинг ёнидан автомобилни рухсат этилганидан ортиқ тезликда ҳайдаб ўтади, ўз-ўзига ишониб зарур ҳолда машинани ўз вақтида тўхтатиб қолишни мўлжаллайди, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар (музлама, кутилмаган тўсиқ пайдо бўлиши ва ҳ.к.)га кўра автомобиль тўхтамайди ва у пиёда ни уриб юборади.

Жиноий бепарволикка қўйидаги мисолни келтирамиз. Ҳайдовчи ўз автомобилдаги йўловчилар билан сўзлашувларга чалғиб, тезликни чекловчи ва бурилиш жойи белгисини илғамай қолиши натижасида олдинда кетаётган автомобилга урилади ва олдинги автомобилда кетаётган йўловчининг баданига ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлади¹².

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг аксарияти айнан қоидалар у ёки бу сабаб (шошилиш, автомобилни орқа-олдига қарамай ҳайдаш ва ҳ.к.)га кўра онгли равишда бузилиши натижасида содир этилади (тўғри ёки эгри қасд билан одамлар соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказишда ифодаланган ҳаракатлар бундан мустасно). Юқорида баён этилганларнинг барчаси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг субъектив томонини аниқлаш оғир эканлигини ва айни пайтда уни аниқлаш муҳимлигини кўрсатади.

Жиноий бепарволикни эгри қасддан фарқлаш зарур. Бу айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларидан қочиб яширинишга уриниш жараёнида пиёдаларни уриб юбориш ёки бошқа автомобиллар билан тўқнашувлар содир этиш ҳолларига тегишли. Бунда жиноятчи мазкур “тойга” оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди¹³. 17 ёшли С. ҳайдовчилик гувоҳномаси бўмасида, отасининг “Нексия” русумли автомобилни ҳайдаб кўчага чиққан вақтда ЙХХБ ходимлари томонидан тўхташ талаб қилинганида, улардан қочиб, катта тезликда кичкина кўчаларга киради ва 2 нафар болани уриб юборади¹⁴.

Йўл-транспорт жиноятларида транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида бузиш амалда фақат қилмишнинг оқибатларига нисбатан эҳтиётсизликда ифодаланади. Йўл-транспорт жиноятининг субъектив томони айбдорнинг ўз ҳаракати ва унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатининг бир хил эмаслиги билан тавсифланади¹⁵, яъни транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш ва унинг оқибатларига нисбатан айб шакли бир-бири билан доим ҳам мос келмайдими.

Битта жиноятда айб турли шакллариининг бирикиши жиноят ҳуқуқи фанида “қўш айб”, “қасдли-қасдсиз айб”, “аралаш айб”, “мураккаб айб” деб номланиб, турли концепцияларининг илгари сурилишига асос бўлган. Бу концепцияларнинг барчаси илмий адабиётларда асосли равишда танқидга учраган.

Юридик адабиётларда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг субъектив томони ҳақида муаллифлар айбдорнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишга бўлган руҳий муносабати ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик шаклида, юз берган зарарли оқибатларга нисбатан эса – фақат эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши мумкинлигини қайд этадилар.

Айрим муаллифлар йўл-транспорт жиноятларининг барчасига фақат эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар сифатида ёндашишни таклиф қиладилар¹⁶. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса бу хусусда шундай деб ёзадилар: “Жиноят таркибларининг субъектив томони транспорт воситасини бошқарувчи

¹² Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди архивидан. 2014-рақамли жиноят иши.

¹³ Пикуров Н.И. Квалификация дорожно-транспортных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 2001. – С. 33.

¹⁴ Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди архивидан. 2120 рақамли жиноят иши.

¹⁵ Замосковцев П.В., Коробеев А.И. Квалификация транспортных преступлений органами внутренних дел: Учебное пособие. – Хабаровск, 1999. – С. 34.

¹⁶ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. Особенная часть / Под общ. ред. Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1999. – С. 619.



шахнинг юз берган оқибатларга нисбатан ўз-ўзига ишониш ёки бепарволи тарзидаги эҳтиётсиз муносабати билан тавсифланади, бироқ йўл ҳаракати ва транспортдан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг ўзи қасддан содир этилиши ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин. Аммо, умуман олганда, бу эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятдир»¹⁷.

Н.И.Пикуров йўл-транспорт жинояти таркиби субъектив томонининг мураккаб тузилишини таҳлил қилар экан, айбдор зарарли оқибатлар юз бериши мумкинлигига қилмишни содир этиш пайтида муайян муносабатда бўлишини, бироқ натижа юз бергунга қадар бу муносабат юридик аҳамиятга эга бўлмаслигини, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томонидан ташқарида қолишини таъкидлайди. Унинг фикрича, жиноят содир этилганда маъмурий-ҳуқуқий маънодаги айб, яъни махсус қоидаларнинг бузилишига руҳий муносабат ўзининг мустақил маъносини йўқотади ва автотранспорт жиноятининг субъектив томонига таркибий элемент сифатида киради (киради, бироқ йўқ бўлиб кетмайди)¹⁸.

Жиноят ҳуқуқи назариясида В.В.Лукьянов томонидан автотранспорт жиноятлари эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин, деган нуқтаи назар илгари сурилган. Унинг фикрича, йўл-транспорт жиноятлари айрим ҳолларда (ҳаракат ва оқибатларга нисбатан қасд мавжуд бўлганда) қасддан содир этиладиган ҳаракатлар қаторига киритилиши, бошқа ҳолларда (ҳаракатга нисбатан қасд ва эҳтиётсиз муносабат, оқибатларга нисбатан эса – эҳтиётсиз муносабат мавжуд бўлганда) эса, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб топилиши лозим¹⁹. Бизнингча, бу нуқтаи назар шу билан белгиладикки, айрим ҳолларда муайян шароитда иш ижобий яқун топишига озгина бўлса ҳам умид борлиги ва бунга қўшимча тарзда безорилик, транспорт воситасини тартибсиз, тез ҳайдаш, шўхлик ва шу кабилар қабилдаги йўл ҳаракати қоидаларини бузиш омиллари мазкур қилмишларни қасддан содир этиладиган жиноятларга амалда яқинлаштиради. Бироқ биз ўрганган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётида эгри қасд билан тавсифладиган транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишга доир бирорта ҳам ишга дуч келмадик. Транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганида, эгри қасднинг мавжудлиги жинойий қилмиш бошқача хусусиятга эга эканлигидан далолат беради ва бунда юз берган оқибатлардан қатъи назар, айбдорни шахсга қарши қасддан содир этиладиган жиноятлардан бири учун жавобгарликка тортишни талаб қилади.

Жиноят содир этилганда айб шакли айбдорнинг ўз ғайриқонуний ҳаракатларига ва мазкур ҳаракатларнинг оқибатларига бўлган руҳий муносабатининг хусусиятига қараб аниқланади. В.В.Лукьянов фикрига кўра, ҳайдовчи томонидан содир этиладиган йўл-транспорт жиноятларида йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатини юзага келтирувчи транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш ғайриқонуний ҳаракат, йўл-транспорт ҳодисаси ҳолати эса – ушбу ҳаракат натижаси ҳисобланади. Муаллиф транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузувчи ҳайдовчи томонидан содир этилган йўл-транспорт жиноятида айб шакли унинг мазкур қоидабузарлик натижасида юзага келган йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатига бўлган муносабати хусусиятига кўра аниқланишини²⁰ таъкидлайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган пайтдан эътиборан содир бўла бошлаган воқеаларнинг барчасига, шу жумладан одамлар ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати энди мустақил аҳамиятга эга бўлмайди, чунки бу зарар инсон томонидан бошқарилмаётган кучлар томонидан етказилади. Бинобарин, ушбу руҳий муносабат ҳам мустақил аҳамиятга эга бўлмайди ва айб шакли юридик

¹⁷ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.

¹⁸ Пикуров Н.И. Квалификация дорожно-транспортных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 2001. – С. 38–39.

¹⁹ Лукьянов В.В. Проблемы квалификации дорожно-транспортных преступлений. – М., 1979. – С. 108–111.

²⁰ Лукьянов В.В. Проблемы квалификации дорожно-транспортных преступлений. – М., 1979. – С. 96.



категорияси сифатида қаралиши мумкин эмас, чунки мазкур зарар энди инсон томонидан бошқарилмаётган кучлар томонидан етказилади. Шундай қилиб, ҳайдовчининг зарарли оқибатларга бўлган муносабати унинг зарар етказиш хавфини юзага келтирган йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатидаги хулқ-атворидан келиб чиқади. Агар шахснинг айби билан йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган бўлса, мазкур ҳолат муайян зарар етказишига, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига кўзи етган, бироқ етарли асосларсиз, ўз-ўзига ишониш орқасида, мазкур оқибатларни бартараф этишга умид қилган бўладики, бу айбдорнинг ҳаракатларида эҳтиётсизликнинг ўз-ўзига ишониш тарзидаги тури мавжудлигини англатади.

Шундан келиб чиқиб В.В.Лукьянов йўл-транспорт ҳодисаси ҳайдовчи томонидан тўғри қасд билан содир этилиши ҳам, эгри қасд билан содир этилиши ҳам мумкин, деган хулосага келади. Унинг фикрича, биринчи ҳолда ҳайдовчи йўл ҳаракати қоидаларини қасддан бузар экан, йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатини юзага келтираётганини англайди, иккинчи ҳолда эса, ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатини юзага келтираётганига кўзи етади ёки унинг юзага келишига бефарқ қарайди.

Йўл-транспорт жиноятларининг аксариятида ҳайдовчи ‘Йўл ҳаракати қоидалари’нинг бир эмас, балки бир нечта бандларини бузиши кузатилади. Бундай шароитда айбдорнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузишга ва умуман жиноятга рухий муносабати қандай бўлганини, айна ҳолда жиноий эҳтиётсизликнинг қайси тури мавжудлигини аниқлаш анча қийин бўлади. Шундай вазиятлар ҳам учрайдики, йўл ҳаракати қоидаларидан бири тўғри қасд билан (масалан, автомобилни маст ҳолда бошқариш), иккинчиси эса – бепарволик орқасида (ҳайдовчи тезликни чекловчи белгини пайқамай қолган) бузилади. Ўз-ўзига ишонишни бепарволикдан, бепарволикни эса ўз-ўзига ишонишдан ажратишда ҳам қийинчиликлар туғилиши мумкин. Шунга мос равишда қилмишни квалификация қилиш ҳам оғирлашади.

Айрим адабиётларда қайд этилишича, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш мотивлари ва хусусияти қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди, бироқ жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим²¹.

Ижтимоий хавфли оқибатлар юз бергунга қадар йўл ҳаракати қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади, холос. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бериши эса ҳуқуқбузарликнинг юридик табиатини ўзгартиради (у жиноятга айланади), аммо у ижтимоий хавфли оқибатлар юз бергунга қадар йўл қоидаларининг бузилишига айбдорда мавжуд бўлган рухий муносабатни ўзгартириши мумкин эмас. Шундан сўнг айбнинг мазмуни фақат ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз беришига янги муносабат пайдо бўлиши ҳисобига, яъни айбнинг таркибий элементлари сони кўпайиши ҳисобига ўзгаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аллаяров Н.Ў. Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашда маъмурий амалиёт: Ўқув кўлланма. / Н.Ў.Аллаяров, М.П.Аппаков. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 44.
2. Ерхан В.Д., Ощепков П.П. Проблемы человеческого фактора водителей автотранспортных средств и его влияние на безопасность дорожного движения

²¹ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.



- (психологический аспект) // Проблема обеспечения безопасности на объектах транспорта и пути ее улучшения. – М.: Издательская группа «Юрист», 1998. – С. 303.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари. 2015 йил 5 ноябрдаги
01/3-01-26-539-сонли хат.
 4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш ҳавфсизлигига қарш жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарори.
//Тошкент, 2015. – Б. 15.
 5. Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М., 2001. – С. 134–135.
 6. Рарог А.И. Проблемы субъективной стороны преступления. Учебное пособие. – М., 1991.; Осипов В.О. О преступлениях с двумя формами вины // Законность. 2001. №5. – С. 8.
 7. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. 5. Махсус қисм. Жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўтш тартибига қарши жиноятлар. Дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б. 110.
 8. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б. 464.
 9. Алексеева И.С. Уголовно-правовая характеристика преступного нарушения правил дорожного движения // Проблемы предварительного следствия и дознания: Сборник научных трудов. – М., 1998. – С. 51.
 10. Қасддан қилинмаган қилмиш учун жазо. // “Норма маслаҳатчи” газетаси, 2014 йил, № 15.
 11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.
 12. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди архивидан. 2014-рақамли жиноят иши.
 13. Пикуров Н.И. Квалификация дорожно-транспортных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 2001. – С. 33.
 14. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди архивидан. 2120 рақамли жиноят иши.
 15. Замосковцев П.В., Коробеев А.И. Квалификация транспортных преступлений органами внутренних дел: Учебное пособие. – Хабаровск, 1999. – С. 34.
 16. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. Особенная часть / Под общ. ред. Ю.И.Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1999. – С. 619.
 17. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. А.А.Чекалин; Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.
 18. Пикуров Н.И. Квалификация дорожно-транспортных преступлений. Учебное пособие. – Волгоград, 2001. – С. 38–39.
 19. Лукьянов В.В. Проблемы квалификации дорожно-транспортных преступлений. – М., 1979. – С. 108–111.
 20. Лукьянов В.В. Проблемы квалификации дорожно-транспортных преступлений. – М., 1979. – С. 96.



21. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. / Отв. ред. А.А.Чекалин;
Под ред. В.Т.Томина, В.С.Устинова, В.В.Сверчкова. – М.: Юрайт-Издат, 2004. – С. 820.

